# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 14 июнь сешанба № 25 (752)

e-mail: info@press-iq.uz | www.minjust.uz


Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

## Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур...

### Аскари бақувват мамлакат бой бўлур...

**ТАН ОЛИШ КЕРАК, баъзи кишилар ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси, деганда асосан уй-жой таъминотини тушунишади. Ҳатто ҳамкасбларимиздан бири "ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига оид мақола керак. Кўзга кўринадиган, салмоқли жиҳатларига эътибор қаратаверинг. Масалан, уй-жой таъминоти...", деган эди.**

ОЧИҒИ, ўша ҳамкасбим ҳам ҳарбий қисмда бўлган. Аскарлар, сержантлар, офицерлар билан суҳбатлашган. Ҳарбийлар ҳақида мақолалар ёзган. Биз журналистлар бирон-бир ижтимоий воқеа бўладими, ҳодисами, аввало, унинг моҳиятига эътиборни қаратишга ўрганишимиз керак, назаримда. Дейлик, тилга олинаётган мавзудан келиб чиқадиган бўлсак. Нега энди фақат уй-жой таъминоти билан чекланишимиз керак экан. Масала ижтимоий ҳимоя, инсон омилига боғлиқ экан, мавзуга чуқурроқ киришсак ҳам бўладику. Ватан ҳимоячиси ҳақида мақола ёзаётган одам унинг ҳарбий либоси, тиббий таъминоти ва ҳаттоки қандай таом еяётгани билан ҳам қизиқиши мумкин-ку. "Агар кимки ўз армиясини боқмаса, эртага ўзгалар армиясини боқишга мажбур бўлади", деган ҳаётий бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Қолаверса, давлатимизнинг ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга мудофаа қудратини шакллантиришдаги муҳим бир омил сифатида қараб, миллий армиямизга асос солинган илк дамларданоқ эътибор бераётганини яхши биламиз.

*"Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар".*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси

Мураккаб иқтисодий шароит ҳукмронлик қилган ўтган асрнинг 90-йилларини бир кўз олдингизга келтиринг. Ўша пайтдаёқ Ўзбекистон ҳарбийларининг моддий таъминоти тўла таъминланди. Қуролли Кучлар ташкил этилганидан ҳеч қанча вақт ўтмай ўз либос, ўз рамзларимизга эга бўлдик.

*"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади".*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддаси

Бу хусусда Президентимиз Ислом Каримов ўзининг **"Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир"** китобида **"...90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан, биз ҳарбий қурилиш соҳасида олдимизда турган долзарб ва улкан вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва молиявий манбаларни излаб топиш мақсадида қаттиқ иш олиб бордик"**, дейди. Ҳа, ўша қийин шароитда айрим қўшни мамлакатларда ҳарбийлар ўз давлатининг либосига эга бўлишганмиди? Буни-ку қўйиб туринг, уларнинг моддий таъминотида узилишлар бўлганига нима дейсиз.

*"Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга".*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 126-моддаси

3



Юртимиз дунё нигоҳида

## Ўзбекистон – барқарор, демократик ва гуллаб-яшнаётган давлат

***— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча ўзбекистонликларнинг қутлуғ байрами арафасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар айта оласиз? Байрам олдидан халқимизга қандай тилаклар билдирасиз?***



**Франсуа ГОТЬЕ,**

**Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси**

— Мустақиллигинг муборак бўлсин, Ўзбекистон!

Саноқли кунлардан сўнг Ўзбекистон ўз Мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлайди. Бу муҳим ва салмоқли босқич — катта мамлакатнинг бутун аҳолиси учун фахр-ифтихор тимсолидир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг дунёдаги барча дўстлари, шу жумладан, Франция учун мазкур муқаддас сана арафасида Ўзбекистон халқини табриклаш ва самимий эзгу тилакларини билдириш учун қулай фурсатдир.

**Мен Адлия вазирлигининг "Инсон ва қонун" газетасига бугун менга мана шундай имконият бергани учун миннатдорчилик билдираман.**

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгач, мамлакатингиз ва унинг Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари учта улкан вазифага дуч келди: булар — **биринчидан,** суверен давлат барпо этиш, **иккинчидан,** янги жамият қуриш ва **ниҳоят,** замонавий иқтисодиётни ривожлантириш. Барча соҳаларда дадил қадам ташлаш, изчил ҳаракат қилиш ва қатъият билан илгарилаш зарур эди.

***Суверен давлат барпо этиш*** мазкур барча вазифалар орасида энг оғири эди. Мураккаб географияси, ўзининг табиий чегарасига мос келмайдиган, сунъий равишда белгилаб берилган чегараларига эга янги Ўзбекистон давлати ўз ҳудудининг бутунлигини таъминлаши лозим эди. Ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон миллий бирлик туйғусини шакллантирди ва мустаҳкамлади ҳамда географик ҳудудининг ўзига хослиги ва мустақиллигини ҳам минтақавий, ҳам дунё миқёсида исбот қила оладиган чинакам миллатга айлантира олди. Мамлакатингиздаги транспорт йўллари ва коммуникацияларининг яхшиланиши ички яхлитликни янада мустаҳкамлади ва айни пайтда ҳудуддаги шаҳар марказларининг ривожланиши мамлакат тараққиётининг бир маромда боришини белгилади. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳурматга сазовор, гуллаб-яшнаётган ва эътироф этилган давлатга айланди. Ўрни келганда таъкидлаш керакки, Франция Ўзбекистон билан дипломатик муносабатларни ўрнатган дастлабки мамлакатлар сирасига киради. Шундай қилиб, XIX асрда рус мустамлакаси, XX асрда сунъий "социал республика" ҳисобланган Ўзбекистон XXI асрда суверен давлат сифатида жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллади.

Ундан ташқари, ***янги жамиятни шакллантириш*** мустақил давлатнинг устувор вазифаларидан бири эди. Маданият ва миллатлар хилма-хиллиги, кўплаб тарихий ва диний анъаналар маркази бўлган ўзбек жамияти ўзига хос тарзда мураккаб ва ранг-барангдир. Ўзбекистон Конституцияси томонидан белгиланган дунёвий ва республика моделининг идеали ижтимоий воқеликларга тўла мослашувчан ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон янги жамиятни гуллаб-яшнаши учун керак бўлган институционал, юридик ва ҳуқуқий воситаларга эга.

Ва ниҳоят, ***замонавий иқтисодиётни ривожлантириш*** масаласи ҳам долзарб эди. Социал, неоколониал, ўта ихтисослашган ва ташқаридан бошқарилган иқтисодиётдан балансланган ва диверсификациялашган иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган Ўзбекистон 20 йил ичида улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатингиз қишлоқ хўжалиги бугунги кунда кўплаб озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда ва бу билан аҳолининг сифатли озиқ-овқат билан таъминланишига эришилмоқда. Маҳаллий саноат кўплаб тармоқларга эга бўлиб, уларда пухта билимли ва малакали ишчилар меҳнат қилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда, буни халқаро сайёҳлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари юқорилигича қолмоқда ва корхоналарни модернизация қилиш талаблари хорижий сармоядорлар билан конструктив шериклик муносабатларини йўлга қўйишга чорламоқда.

Юқоридаги сарҳисоблар Ўзбекистон барча жабҳаларда кўплаб ютуқлар қўлга киритганини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг дўстлари бугун ушбу ёш давлатга тараққиёт ва етукликка эришишда муваффақият тиламоқда. Дунё ҳамжамияти Марказий Осиёда шундай барқарор, демократик ва гуллаб-яшнаётган давлат мавжудлигидан жуда мамнун. Франция бундан буён ҳам мамлакатни модернизация қилиш йўлини қўллаб-қувватлайди.

**"Инсон ва қонун" мухбири**
**Фарида ҚОРАҚУЛОВА ёзиб олди.**



Акс-садо

## Сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди...

**"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетасининг жорий йил 8 февраль кунги сонида чоп этилган "Сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди" номли мақола меҳнат жамоамизда катта қизиқиш уйғотди.**

ДАРҲАҚИҚАТ, сув — тириклик манбаидир, у бор жойда ҳаёт бор. Сув — она заминнинг қон томири. Оби ҳаётга қанча таърифу тавсиф берсак ҳам кам. Сувга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уни асраб-авайлаш миллий қадриятларимиздан бири саналади. Ота-боболаримиз азалдан сувга инсониятга ато этилган муқаддас неъматлардан бири сифатида қарашган. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз момоларимиз ва боболаримизнинг "Сувга ахлат тўкма", "Сувга туфлама", "Сувни исроф қилма" каби панд-насиҳатларига бир умр амал қилиб яшаймиз. Демак, миллийлигимизга хос бўлган барча маънавий-ахлоқий мезонларимиз сингари экологик маданиятимиз ҳам энг аввало, оилада шаклланиб, камол топади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ сувга доир муносабатларни тартибга солувчи **"Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжи учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувни ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мазкур Қонуннинг асосий мақсадини ташкил қилади. Ҳар бир фуқаро учун тириклигимиз ва ризқу рўзимиз манбаи бўлган сувга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш нафақат инсонийлик, балки қонун олдидаги бурч ва масъулият демакдир.

Кенг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида экологик маданиятни тарғиб қилиш Адлия вазирлиги тизимидаги барча ходимларнинг асосий вазифаларидан биридир. Олмалиқ шаҳар давлат нотариал идораси ходимлари томонидан маҳалла ва ўқув юртларида халқимизнинг экологик маданиятини янада ошириш, она табиатнинг мусаффолигини ва бебаҳо неъматларини асраб-авайлаш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Олмалиқ касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ана шундай учрашувларнинг бири **"Сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди"** мақоласида кўтарилган долзарб масалаларга бағишланди.

**Зебунисо МАҲМУДОВА,**
**Олмалиқ шаҳар**
**5-сонли давлат**
**нотариал идораси**
**нотариуси**

## Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганига 21 йил тўлмоқда

# Ватан ва халқ тарихидаги муҳим воқеа






## Мустақиллик Декларацияси мамлакатимиз аҳлини буюк ишларга ундади. Нурли келажак сари бошлади

**ХАЛҚИМИЗ улуғ ва залворли йўлни босиб ўтди. Ортга назар солганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида турибмиз. Тарих олдидаги ўта муҳим воқелик, миллат тарихининг энг ёруғ, энг ёрқин саҳифасидан таралган маънавий қувват руҳимизни тетик қилади. Бизга қатъият бахш этади. 20 йил у қадар катта вақт эмас. Шу давр ичида юртимизда улкан ишлар амалга оширилди. Буни дунё эътироф этмоқда. Дунё кўриб-билиб турибди. Бу ютуқларнинг асосини 1990 йилнинг 20 июнь куни Президентимиз Ислом Каримовнинг Мустақиллик Декларациясига имзо чекиши билан боғласак улкан тарихий ҳақиқатни тан олган бўламиз.**

АСЛИДА ҳам шундай. Бу тарихий воқелик эди. Собиқ иттифоқнинг Москвадаги раҳбарлари қиличини яланғочлаб турган бир даврда Ўзбекистонда Мустақиллик Декларациясига имзо чекилиши ҳақиқий жасорат эди. Ушбу Декларацияда халқнинг асрий орзулари, юртнинг буюк келажаги акс этган эди. Лекин давр оғир эди. Истибдод империясини жонжаҳди билан ҳимоя қилувчи, ундан катта манфаатлар кутувчи ёвуз кучлар бу империя машинасини осонгина тўхтатиб тушиб кетмасдилар. Улар юртимизнинг турли бурчакларида миллатлараро низоларни чиқаришга ҳаракат қилардилар. Ўш фожеаси, Фарғона, Паркент, Бўка воқеалари бунга мисол бўла олади.

Ватанимиз тақдирида тарихий бурилиш ясашга асос бўлган Мустақиллик Декларациясининг мазмун-моҳияти нимадан иборат эди? Бу ҳужжатда қандай мақсад-муддао мужассам эди? Орадан 21 йил ўтиб, бу тарихий ҳужжат ҳаётимизда не чоғлик муҳим ўрин тутганини, муҳим ҳодисага айланганини бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Эндиликда ҳар бир юртдошимиз Мустақиллик Декларациясини мустақиллигимизга қўйилган олтин пойдевор деб баҳоламоқда. Бугунга келиб Мустақиллик Декларацияси халқимизнинг озодлик йўлига чиқишида муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур Декларация қабул қилинган тарихий воқеадан беш ой ўтгач, 1990 йилнинг 16 ноябрида Юртбошимиз Ўзбекистон ўқитувчилари, тарбиячи ва мураббийларига қарата дилидаги сўзларини изҳор қилди. Халқни бир маслак йўлида бирлашишга чақирди. **"Биз элимиз, юртимиз, заминимиз, муқаддас тупроғимиз қадрига етадиган, уни тавоф қиладиган фарзандларни камол топишига алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бусиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Буни ҳаммамиз тушунишимиз шарт..."**

Юртбошимизнинг бу қалб сўзлари миллионлаб халқимиз қалбида акс-садо берди. Халқ уйғонди. Мустақиллик Декларацияси халқимиз учун ўзликни англаб, эзгу мақсадлар йўлида курашмоқ даври келди, дея даъват қилаётган ҳужжат эди.

Мустақиллик Декларацияси мазмун-моҳияти замирида халқ фаровонлиги, юрт тараққиётининг асослари, келажак нурафшонлигининг энг муҳим жиҳатлари талқин қилинган.

Бу демократик давлат мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимиз иродаси, хоҳиши, ҳимояси, халқаро ҳуқуқларнинг асосий тамойилларини тан олишимиз, Ватанимиз тараққиёти, ўз номи ва давлат белгилари, мустақиллигимизни амалга оширишимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқиш, демократик-ҳуқуқий давлат қуришга, Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини яратишга асосланган, Президент ташаббуси билан қабул қилинган ўта муҳим ҳужжатдир. Бу ваколатлар Ўзбекистон халқи тақдири-аъмолида, яратувчанлигида кескин бурилиш ясаши шубҳасиз эди.

Давр нуқтаи назаридан кузатадиган бўлсак, ўша чоғларда бундай ҳужжатни эълон қилиш чин маънодаги қаҳрамонлик эди. Раҳбардан матонат ва жасорат талаб қиларди. Миллат тақдири ва келажагини ўз ҳаёти, керак бўлса, тақдиридан устун қўйган довюрак инсон бу ишга қўл урарди. Келажак учун ўз жонини ҳам аямайдиган Юртимиз Раҳбари чин маънодаги халқпарвар эканлигини амалда исбот этди.

Мустақиллик Декларацияси қабул қилингандан сўнг орадан кўп ўтмай 1990 йил 3 июлда КПССнинг XXVIII съездида Кремлнинг съездлар саройида **"Биз мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик"**, — деган сўзни айтди Президентимиз Ислом Каримов. Сўнг: **"Жуда бой хомашё ресурсларига, ноёб табиий иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон етиштирган маҳсулотнинг асосий қисмини хомашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳ қилиш мумкин? Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига нима учун Ўзбекистон бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни ололмаяпти? Ўзбекистон "Пахта иши", қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда..."**

Ўша даврда бу сўзларни айтишнинг ўзи жасорат эди. Шу йиллари Ўзбекистонда "Пахта иши" бўйича Москвадан келган корчалонлар туфайли минглаб кишилар ҳибсхоналарда айбсиз сақланарди.

Бу даврдаги талотўплар, сиёсий бўҳронлар панасида туриб вазиятни ўз ғараз мақсадлари томон буришга бўлган турли уринишларни бизнинг ёшимиздагилар яхши биладилар. Бунинг асл моҳиятини одамларимиз тушуниб етгани, тезда тўғри йўлни қатъий танлагани, халқни жипслашгани боис қатъият ва иродамиз яна бир бор намоён бўлган эди. Шундай таҳликали пайтда ҳеч иккиланмасдан қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси дўсту душманга бизнинг мардона, аждодларга хос муносиб жавобимиз бўлди. Мустақил Ўзбекистон давлатининг тарихий қаддини тиклаётгани озодлик деган сўз жарангида бутун дунёга айтилди. Бу бебаҳо, ҳаёт-мамот саналувчи сўзнинг амалий ифодаси ҳар бир қадамимиз, фикримиз, қалбимизда акс этиб, жаҳонга садо бериб турди.

Собиқ империя зулмларидан эзилган, муттасил мафкуравий хуружларда қолган, миллий бойликлари талон-торож қилинган Ўзбекистоннинг ўзини ўнглаб олишига ишонмаган, одамларимизда ҳам шундай шубҳа, ишончсизлик уйғотиш учун тиш-тирноғи билан урингланлар мамлакат ичкарисида ҳам ташқарида ҳам изғишдан тинмасдилар. Улар иғволар тўқиш, фожиалар ясаш, террорчилик хуружларини уюштиришга зўр бергиси келар, тўхтовсиз қутқу солмоқчи бўлардилар. Халқимиз заиф, иложсиз бўлиб қолганига, кимларгадир суяниши лозимлигига ишонтириш учун ҳеч нарсадан, ҳар қандай туҳмат ва зўравонликлардан қайтмасдилар. Бироқ ақл-иродаси, узоқни кўра билган, дадил сўзлик, доно Юртбошисига суянган, тафаккур кучи тенгсиз халқимиз йўлдан адашмади. Халқимизнинг йўли ёруғ чиқди, ёвуз кучларнинг нияти пуч бўлиб қолди.

Мардона қарор, ҳал қилувчи палладаги жасурлик билан қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси халқимизнинг чинакам хоҳиш-иродасини дунёга баралла намоён қилган эди. Ўзбекистон Республикасининг **"Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида"**ги Қонунининг қабул қилинишида ҳамда суверен давлатимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилингунга қадар ўтган муддат ичида мазкур ҳужжат дастуриламал вазифасини ўтаганлигини доимо назарда тутмоғимиз лозим.

Баланд тоғлар ўз бўй-бастини четдан туриб разм солганга кўпроқ намоён этади. Истиқлолимизнинг буюк салобати ҳам шунга қиёс. Унинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини эса яқиндан кузатганда янада равшан кўриш мумкин. Ўзбек халқининг давлатчилик борасидаги тарихий тажрибаси ва бой миллий анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдек олий мақсадларини ўзида мужассам этган асрий орзу-истаклари мамлакат ҳаётига доир масалаларни ўзи мустақил ҳал қилиш имкониятини қўлга киритишга етаклаган эди. Мустақиллик Декларацияси мамлакатимизда мустақиллик учун ҳаракатларни уруш, беҳуда қон тўкишлар билан эмас, балки қонун устуворлиги, юксак тамаддун тамойилларига амал қилган ҳолда кечишини таъминлагани билан ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир. Мустақиллик Декларацияси Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида дунёга юз тутиши, жаҳон ҳамжамияти билан илк муносабатларни ўрнатиш ва алоқаларни ривожлантиришда асосий ҳужжат вазифасини ўтади.

**Тамара ТИЛЛАЕВА,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари**

Тилга эътибор

# Қонунчилик лингвистикаси

### талабларига риоя этишнинг аҳамияти

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг амалга оширилиши бўйича Республика комиссияси раиси томонидан 2010 йил 10 декабрда тасдиқланган комиссия мажлиси баённомасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик лингвистикаси нуқтаи назаридан таҳлил қилиш натижалари ва амалга ошириладиган долзарб вазифалар белгиланган эди.**

АЙНИ ПАЙТДА адлия идораларида жойлардаги юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда қонунчилик лингвистикаси борасидаги малакаларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Дастур асосида ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда малакали ҳуқуқшунос ва тилшуносларни жалб этишга алоҳида эътибор берилпти.

Яқинда Фарғона вилояти адлия бошқармасида мазкур Дастурга мувофиқ ўтказилган семинарда юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мазмуни, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида қонунчилик лингвистикаси талабларига риоя этилиши, жойлардаги юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда бу борадаги масъулияти ҳақида сўз борди. Йиғилганлар мавзуга оид мавжуд масалалар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

**Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 30 майдаги №149-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AMISTAD" адвокатлик фирмаси адвокати Джузбанов Хабибулла Сейсембаевичга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 июнда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврgача тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 майдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 27 майдаги №146-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Кунбуттаев Башир Абдуллаевичга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 2 июнда берилган TN 000161 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 3 июндаги №154-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "XIMOYA MANBAI" адвокатлик фирмаси адвокати Назиров Ойбек Ғуломовичга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 21 январда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврgача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 10 июндаги №162-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳари "ALTER-EGO" адвокатлик фирмаси адвокати Арзуманов Вартан Суренович вафот этганлиги сабабли Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 26 майда берилган SI № 000079 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 13 августда берилган адвокатлик гувоҳномаси ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 10 июндаги №161-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ALTER-EGO" адвокатлик фирмаси адвокати Байхутова Дариха Бакировнага шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 13 августда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврgача тўхтатилди.

Муҳим мезон

# Кўргазмали бурчак

### ташкил этилди




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини тасдиқлаш ҳақидаги Қарори ва **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони билан амалиётда жорий этилган имтиёз ва енгилликлар тўғрисида "Ўзэкспомарказ"да жорий йилнинг 7, 8, 9 июнь кунлари кўргазмали семинар ўтказилди.

Кўргазмали семинарда Адлия вазирлиги томонидан қонунлар бурчаги ташкил этилиб, унда, Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони, 2009 йил 15 майдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори, 2011 йил 4 апрелдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони, 2011 йил 12 майдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 март кунги **"Адлия органларида махсус "ишонч телефони" ташкил этиш тўғрисида"**ги қарори ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси**нинг нормалари ва бошқа қонун ҳужжатлари намойиш этилди.

Семинарда қатнашган тадбиркорларга ушбу қонун ҳужжатлари юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, ушбу соҳага оид 25 та кўргазмали плакатлар, 500 та буклетлар чоп этилиб, тадбиркорларга тарқатилди.

**Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси**

# Нодавлат ташкилотлар

### давлат ҳимоясида

**ИСТИҚЛОЛГАЧА мамлакатимизда саноқли жамоат бирлашмалари фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 5100 тадан ошиб кетди. Бу рақамларнинг ўсишини Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг фаолият юритиши учун кучли ҳуқуқий базанинг яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин.**

ЮРТБОШИМИЗ 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир қатор ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда, қолаверса, ўзимизнинг юз йиллар давомида шаклланган урф-одат, анъаналаримиз ва бой тарихимизга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Конституциямизнинг 58-моддасида "Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.**

**Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди"** деб алоҳида эътироф этилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун билан кафолатланган ижтимоий аҳамиятга молик ўз фаолиятлари давомида фуқаролик жамияти қуришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун", "Болалар", "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари маҳаллаларда таълим-тарбия ҳамда хайр-саховат, ободончилик ишлари, кекса фахрийларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда қаровчиси йўқ, етим, ногирон болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва тарбиялаш йўналишида самарали фаолият кўрсатиб келаётганлиги фуқаролик жамиятининг бундай муҳим институтлари нуфузи янада ортишига замин яратмоқда.

Вилоятимиз мисолида рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, бугунги кунда 89 та диний ва 264 та нодавлат нотижорат ташкилот мавжуд бўлиб, барчаси жамиятда ўз ўрнига эга.

Бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг нуфузини тобора оширмоқда.

Нодавлат ташкилотлари давлат ҳимоясида экан, улар жамиятда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг фаол иштирокчиси ва муҳим бўғини бўлиб қолади.

**Марат ИШБЕКОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

Тадбир

# Эпидемик ва эпизоотик хавфсизлик

### бу борадаги профилактик чора-тадбирлар

**ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида "Мамлакат ҳудудида эпидемик ва эпизоотик хавфсизликни мустаҳкамлаш ва бу борада барқарор вазиятни таъминлаш борасидаги профилактик чора-тадбирлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

ТАДБИРДА Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан **"Эпидемиялар, эпизоотиялар ва эпифитотияларнинг олдини олиш Дастури"**да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан батафсил сўз юритилди. Таъкидландики, ушбу мақсадли Дастур юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Гулечеҳра АБДУЛЛАЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Андижон вилоятида**
Андижон шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Шаҳрихон туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Жиззах вилоятида**
Зомин туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Навоий вилоятида**
Зарафшон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Наманган вилоятида**
Янгиқўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилоятида**
Термиз шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Фарғона вилоятида**
Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент шаҳрида**
Сирғали туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Мирзо Улуғбек туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2011 йил 13 июль)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

# Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур...

## Аскари бақувват мамлакат бой бўлур...



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Хуллас, ҳамкасбимнинг гапи туртки бўлиб, мамлакатимиз ҳарбийларининг ижтимоий ҳимояси юзасидан мустақиллик йилларида қилинган муҳим ишларга яна бир эътибор қаратишни лозим топдим.

Чақирилувчиларни тантана билан, янгича анъаналар билан муддатли ҳарбий хизматга кузатяпмиз. Уларнинг ижтимоий масалалари ҳақида ҳатто чақириққача ҳисобга олингани, давлатимиз бу борада қатор имтиёзлар яратгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз. Келинг, гапни шундан бошлай қолайлик.

**“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғисида”**ги Қонуннинг 17-моддасида чақирилувчининг ҳарбий хизматга тайёргарлик кўришдаги кафолатлари кўрсатиб ўтилиб, жумладан, шундай дейилади: **“Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг ўқув муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтаётган чақирилувчиларнинг иш жойи ва эгаллаган лавозими, шунингдек, ўртача иш ҳақи уларнинг бутун тайёргарлик даврида, шу жумладан, ўқиш (йиғинлар) ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш даврида сақланиб қолади.**

Чақирилувчиларга уларнинг таълим олиш (йиғинлар) даврида уй-жой ижарасига кетган харажатлари қопланиши, ўқиш ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш (агар бу бошқа аҳоли пунктига бориш билан боғлиқ бўлса) йўл кираси ҳамда ўртача иш ҳақи тўланиши уларнинг асосий иш жойида амалга оширилади. Ишламайдиган чақирилувчиларнинг ана шундай харажатлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридаги нафақа тегишли ҳокимликлар томонидан қопланади (тўланади)”.

Фарзандингиз аскар бўлди. Давлатимизнинг юртни ҳимоя қилишга бел боғлаган фарзанд учун яратган имтиёзларининг ўзи улкан бир тизим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги **“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**-ги Қарорини фарзандлари Ватан ҳимоячиси бўлган ота-оналар яхши билишади. Мазкур Қарор билан жорий этилган муҳим бир янгилик — ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган, республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тестда тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёз берувчи тавсиянома ҳақида билмайдиган одамнинг ўзи йўқ.



Очиғи, нафақат минтақа, балки МДҲ мамлакатларида ҳам бундай имтиёз яратилмаган.

Муддатли ҳарбий хизматчилар танлаган ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун ҳарбий қисмда ҳафтасига камида 4 соатлик бепул қўшимча машғулотлар ўтказилаётгани ҳам соҳадаги ислоҳотлар ўзимизга хос ва мос эканидан далолат.

Тилга олинаётган қулайликлар нафақат имтиёз, балки ёш йигитнинг ҳаёт мактабида шаклланиши, маънавиятини, дунёқарашини бойитишида муҳим омил бўлмоқда.

...Ҳамқишлоғим Феруз Муродов муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшаганда бериладиган энг кам иш ҳақининг 16 баробари миқдоридаги пулга кичикроқ новвос сотиб олди. “Ўзининг тўйига боқяпмиз”, дейди отаси қувонч билан. Шунда шўролар даврида олис юртларда хизмат қилган акамга қайтишига деб дадам икки ойлик маошини жўнатгани хаёлимдан ўтди. Ҳа, бу дамларнинг қадрига етмоқ учун кечаги кунимизни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ўғлонлар учун бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этилиб, уларга етакчи мутахассислар жалб этилаётганини ҳам яхши биламиз. Бу ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларида муҳим имконият бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарорига мувофиқ 2005 йилдан бошлаб ҳарбий хизматчилар учун янги, янада такомиллашган ва калорияли овқатланиш рациони киритилган. Озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш мақсадларида қўшма қарорлар асосида муддатли ҳарбий хизматчиларнинг озиқ-овқат таъминоти тўғрисидаги янги қоида, шахсий таркиб овқатланишини ташкил қилиш бўйича умумий талаблар, шунингдек, маҳсулотларга ишлов бериш ва овқат тайёрлаш технологиялари қоидалари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда умумқўшин паёгининг қуввати 4 минг килокаллориядан ошганининг ўзиёқ ҳарбий хизматчиларнинг тўлиқ ва сифатли овқатланишларини таъминлашга Ўзбекистонда алоҳида эътибор берилаётганига ва бунга тўлиқ имконият мавжудлигига яққол далил бўлади. Маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ошхоналарни замонавий технологик жиҳозлар, юқори сифатли идиш-товоқлар билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг тўлиқ ва сифатли овқатланишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Мисол учун, қисм ва бўлинмаларнинг аскарлар ошхоналари юқори сифатли сайқалланган, пўлатдан тайёрланган “Баттерфляй” типидаги ошхона анжомлари билан таъминланган.

Президентимиз ташаббуси билан 2006 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш бўйича ички таъминот бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, уларда қишлоқ хўжалиги мутахассислари меҳнат қилмоқда. Улар юқори сифатли маҳсулотлар билан ҳарбийларни таъминлашмоқда. Бир сўз билан айтганда, аскар дастурхони бугун ҳар қачонгидан-да тўкин.

..."Танишим таҳририятга Ўзбекистон армиясининг либосида кириб келганини кўриб, кўзим қувнади, дилим яйради. Мустақилликка минг-минг шукроналар келтирдим. Ҳарбий либосни эгнимга кийиб кўрдим. Бир ғуруримга минг ғурур қўшилгандек бўлди", дейди тахминан 1995 йилларда-ги воқеани эслаб ҳамкасбим Азимбек Усмонов. Ҳа, ўз армиясини тузиш у ёқда турсин, уни боқишга қурби етмайди, деб ўйлаганлар қисқа вақт ичида бўлган бундайин ўзгаришлардан тилларини тишлаб қолишди.

Қувонарлиси шундаки, сўнгги йилларда ҳарбий хизматчиларни кийим-кечак, ашёлар, маиший ва техник воситалар билан ўз вақтида таъминлашга йўналтирилган кийим-кечак хизматининг иши ҳам сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар кийим-кечагини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг тажрибавий намуналари сифати устидан назоратни амалга ошириб бориш мақсадида Тажриба-конструкторлик экспериментал маркази ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчиларимизнинг чўл ва тоғлик жойларда мураккаб жўғрофий ва иқлим шароитларида ўз хизматларини ўташлари ҳамда ўқув-жанговар вазифаларини ҳисобга олган ҳолда корхоналаримизда ҳарбий либослар ишлаб чиқариляпти. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув жараёнидаги хавфсизлигини таъминлаш, шахсий таркиб орасида турли жароҳатланишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳарбий либоснинг тирсаккўйгич, тиззабанд, шарф, бўйинбоғ ва қўлқоп каби қисмларини ишлаб чиқариш корхоналаримизда тўлиқ ўзлаштирилганини фахр билан тилга олиш мумкин. Мудофаа вазирлиги, Санъатшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти, Ўзбекистон Миллий университети, Давлат тарих музейи, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти вакилларидан иборат бўлган ишчи гуруҳи миллий хусусиятлар, тарихий фактлар ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг унвон белгиларини тайёрлашгани ҳам эътиборга лойиқ.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 16 июнь куни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг қандай кечаётгани билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида офицер Дилшод Насриддинов командирлик қилаётган ҳарбий жамоада бўлиб, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишгани кечагидек ёдимда. Юртбошимизнинг шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбийларга тураржойини ижарага олганлик учун белгиланган пул маблағлари миқдори билан шахсан ўзи қизиққани, уни ошириш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берганига гувоҳ бўлганман. Ватан ҳимоячиларига оталарча эътибор ва ғамхўрлигини яққол ҳис қилганман. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аниқроғи, 2005 йил 30 июнда Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарори эълон қилиниб, унга мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тураржой билан таъминланмаган шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбийларга тураржойини ижарага олганлик учун белгиланган пул маблағлари миқдори оширилди.

...Ҳамкасбим сўраган уй-жой таъминоти мавзуида кўп ва хўп ёзганмиз. Бир сўз билан айтганда, замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг.

Бугун мамлакатимизнинг кўпчилик ҳавас қилаётган иқтисодиётига, ривожига, маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган аскарига қараб, бобокалонимиз Амир Темурнинг **“Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур”**, деган гаплари хаёлдан ўтади. Ижтимоий ҳимоя мавзуси сабаб кўнглимдан кечаётган бу фикрлар аслида юрагимга сиғмаётган фахр, ғурур, ифтихор туйғуларидир.



**Алижон САФАРОВ,**
**подполковник**

Нотариат фаолияти

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясини таъминлаш вазифасини амалга ошириш бевосита нотариат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги Қонун мазкур соҳада нотариал фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.**

# Малакали мутахассислар

## орқали тезкор ва сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиляпти

МАЪЛУМКИ, нотариат соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари асосида республикамизда қўшимча равишда давлат нотариал идоралари ташкил этилди ҳамда нотариал округда нотариуслар лавозимлари сонини белгилаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Жумладан, 2010 йилда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида 4 та, Ангор, Жарқўрғон, Узун, Шўрчи туманларида 1 тадан, Денов туманида 2 та давлат нотариал идораси қўшимча равишда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда мазкур идораларда малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ушбу давлат нотариал идоралари ва нотариал архив хоналари, уларнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган моддий-техника воситалари, жумладан, компьютер техникаси ва мебеллар билан таъминланган.

Шу ўринда **“Нотариат тўғрисида”**ги Қонунга киритилган бир неча ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Эндиликда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин.

Шунингдек, нотариус ёрдамчиси тўғрисидаги модда киритилиб, нотариус ёрдамчиси нотариуснинг топшириғига кўра, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этишга, битимлар, аризалар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тузишга, ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ва дубликатларини, улардан кўчирмаларни тайёрлашга, шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга ҳақли экани қонунда белгиланган. Бу эса ўз навбатида фуқаролар ва юридик шахсларга тезкор ва сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни таъминлайди.

**Қоржов ЧОРИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Бугунги кунда ҳаёт тарзини нотариал ҳаракатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни барча билади. Аммо нотариал ҳаракатларнинг тартиб-қоидаларини, қандай мақсад учун ва қай бир савол билан уларга мурожаат қилиш мумкинлигини барча ҳам бирдек яхши билавермайди. Шу боис ҳам жойларда адлия идоралари ва унинг тизимларида фаолият юритаётган мутахассислар кенг омма орасида ҳуқуқий тушунтириш ва тарғибот ишларини мунтазам олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, газета саҳифаларида доимий чиқишлар қилиб, ўз фаолиятлари ва қонун-қоида мезонлари бўйича мақолалар ёзиб жўнатмоқдалар.

Жумладан, Зангиота туманидаги 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Гўзал Хўжаева **“Мукаммаллик касб этаётган соҳа”**, Пахтакор туманидаги давлат нотариал идораси катта нотариуси Абдимурод Исақулов **“Бурч ва ишонч”**, Нукус шаҳридаги 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Анар Тлеуниязова **“Вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ лаёқати ёки эмансипация нима?”**, Шофиркон туманидаги 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Дилбар Тўраева **“Васиятнома бўйича меросни тақсимлашда вужудга келадиган муаммолар”** ва **“Нотариат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар”**, Бухоро шаҳридаги 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Жамшид Эргашев **“Нотариат тўғрисида”ги Қонун фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати”**, Сариосиё туманидаги давлат нотариал идораси нотариуси Норқўчқор Ҳайдаров **“Қарз олдингми уни ўз вақтида қайтаришни унутма”**, ҳуқуқшунос Музаффар Солиев **“Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг қўлланиши”**, Ғиждувон туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Зафар Давлатов **“Нотариат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар унинг ривожини таъминлайди”**, Бухоро шаҳридаги 10-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Нодир Бобоқулов **“Васиятнома — шахснинг охирги хоҳиш-иродаси”**, Когон шаҳридаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Юсуф Жумақулов **“Ҳадя шартномаларини тузиш тартиби”**, Бухоро шаҳридаги 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Алишер Ёров **“Ипотека кредитлари”**, Навоий шаҳридаги 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Нодира Шарипова **“Ҳадя шартномаси нима ва уни тасдиқлаш тартиблари тўғрисида”**, Навоий шаҳридаги 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Жамила Расулова **“Тугатилаётган юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулкни унинг муассислари ўртасида тақсимлаш”**, Конимех туманидаги давлат нотариал идораси нотариуси Самариддин Амонов **“Васиятнома ва махфий васиятномани тасдиқлаш”** сарлавҳали мақолаларида нотариусларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида ёзиш билан бирга ҳар биримиз дуч келишимиз мумкин бўлган ҳаётий жараёнларда нима қилиш кераклиги тўғрисида ҳуқуқий тушунтиришлар ва йўл-йўриқлар беришган.

Тизим мутахассислари бундан кейинги жўнатажак материалларида ҳар бир ҳуқуқий тушунтиришни ҳаётий мисоллар билан янада кенг ва қизиқарли тарзда ёритадилар, деган умиддамиз.

Назар

# Ёшлар тарбияси

## муҳим масала

МИЛЛАТНИНГ келажаги, юртнинг эртаси ёш авлод тарбиясига боғлиқ. Юртимизда ўғил-қизларимизнинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Биргина мисол, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

Таълим тизимида ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Биргина мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида 10 мингга яқин мактабда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чекка ҳудудлардаги таълим муассасаларига ҳам замонавий компьютерлар, ўқув-лаборатория жиҳозлари кириб борди. Академик лицей ва коллежлар, маданият ва маърифат масканлари сони йилдан-йилга ортиб, уларда ёшларнинг билим олишлари ҳамда касб-ҳунар эгаллашлари учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Дунёни қамраб олган глобаллашув жараёнида аксарият ёшларнинг онгини заҳарлашга қаратилган ғоявий курашларнинг кечаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Буларнинг олдини олиш учун эса биринчи галда йигит-қизларимизнинг тарбиясига масъулият билан ёндашишимиз лозим.

Мустақиллик йилларида вояга етмаганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Биргина 2008 йилнинг ўзида **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**, **“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни** (Женева, 1973 йил 26 июнь) **ратификация қилиш ҳақида”**, **“Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни** (Женева, 1999 йил 17 июнь) **ратификация қилиш ҳақида”**, **“Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**, **“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини** (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) **тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар қандай давлатнинг келажаги ва тақдирини ўсиб, улғайиб келаётган авлод белгилайди. Демак, мамлакатимиз энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишни, буюк давлат барпо этишни ният қилган эканмиз, бу йўлда, аввало, ёшлар таълим-тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

**Ойбек ЖЎРАЕВ,**
**Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси**

“Ишонч телефони”га мурожаат

# Электр таъминотидаги узилишлар

## учун айбдорга жазо белгиланди

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Ишонч телефони”га қилинган мурожаатлари дарҳол кўриб чиқилмоқда.**

ЯҚИНДА Тўрткўл тумани ҳудудидаги “Тўрткўлсельмаш” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси директори Қ.Қурбоновнинг электр энергияси таъминотида узилишлар бўлаётганидан норози бўлиб, вазирликнинг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати эртаси куни жойида ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, электр энергияси қўшни “Тўрткўл” МТП ДАЖ ходимлари томонидан узиб қўйилганлиги аниқланди ва ўша куни қўшма корхонага электр энергияси улаб берилди.

Ушбу ҳолат бўйича “Қорақалпоқэлектртармоқлари” АЖ Тўрткўл тумани филиали бошлиғига қўшма корхонанинг филиалга қилган мурожаати тез ва ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги сабабли қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш ҳақида тақдимнома киритилди ва унга асосан филиал устаси К.Сафарбаевга “ҳайфсан” интизомий жазоси берилди.

Шунингдек, “Тўрткўл” МТП ДАЖ раҳбари Н.Манатов чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва қонунбузилишлар белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши ҳақида расман огоҳлантирилди.

**Казбек АРТИКОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи**

Ёруғ хиёбон

# Беғубор қалб меъмори

**ЭЛ МЕҲРИНИ, ҳурматини қозониш осон эмас, албатта. Бунга фақат тинимсиз меҳнат, улкан машаққатлар билан эришиш мумкин.**



ЖАЛАҚУДУҚЛИК Раъно Бозорова ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради.

Раъно опа ёшлигидан илмга меҳр қўйди. Кўп китоб мутолаа қилаётганини кўрган ота-онаси "Шу қизимиз келажакда муаллима бўлади", — дея орзу қилишганди.

Йиллар кетидан йилларни қувиб ўтди. Опа нуфузли олийгоҳни тугатиб тарих ва ҳуқуқ йўналиши бўйича диплом олди. 1983 йилдан мактабга ишга қабул қилинди. Раъно опа учун масъулиятли кунлар бошланди. У олийгоҳда олган билимини мактаб ўқувчиларига бериши лозим эди. У тиним билмай ўз устида ишлади. Жамоа эътиборига тушди.

Изланувчан, ташаббускор Раъно опа 1992 йилда Охунбобоев касб-ҳунар лицейига директор муовини бўлиб ишга келди. Мактабдан ёшларга "Тарих ва ҳуқуқ" фанидан дарс бера бошлади. Ўқувчиларга мазкур фандан чуқур таълим бериш билан бирга, уларга жамиятда ўз ўрнини топиш, келажакда танлаган касбларига сидқидилдан ёндашишларини уқтирди.

— Бино таъмирталаб бўлиб қолса, қурувчи уни қайтадан таъмирлайди ва бинонинг узоқ йиллик хизмат қилишини таъминлайди. Ўқитувчиликдаги касб масъулиятини бунга асло менгзаб бўлмайди, — дейди Раъно опа. — Чунки, ўқувчи ёшликданоқ таълим жараёнлари босқичларини фақат бир марта босиб ўтади. Йўл қўйган хато камчиликларини тузатиш эса анча қийин кечади.

Туман ҳокимлиги мутасаддилари опанинг бундай ғайрат-шижоатини эътиборга олиб, 1997 йилдан туман ҳокимлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси этиб тайинлади. Раъно опага 2000 йилда яна ишонч билдирилиб 12-мактаб-интернати директорлик вазифаси ҳам топширилди.

Бугун жамиятимизда аёлларимиз иштирок этмаётган соҳанинг ўзи йўқ. Ҳам оилада, ҳам жамоат ишларида илғор.

Қаҳрамонимиз Раъно Бозорова айни пайтда Жалақудуқ тумани халқ таълими бўлими 45-сон умумтаълим мактабида директор лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий тарғибот йўлида фидойилик қилиб ёшларга билим бераётган мураббийни бугун беғубор қалб меъмори десак, янглишмаймиз.

**Умид СОРИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**







## Ҳурматли юртдошлар!

# "Асака" банк (ОАЖ)



**Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

**Миллий валютадаги омонат:**

**"ТАЪТИЛ — 2011"**

*Сақланиш муддати — 18 ой.*

*Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.*

**Хорижий валютадаги омонат:**

**"КАФОЛАТЛИ-1" АҚШ ДОЛЛАРИДА.**

*Сақланиш муддати — 18 ой.*

*Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.*

| | Филиаллар | коди | телефон рақами |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар | 371 | 120-83-13 |
| 2. | Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | 371 | 225-16-46 |
| 5. | Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | 371 | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | 374 | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| 9. | Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | 373 | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | 369 | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | 365 | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | 366 | 231-08-86 |
| 20. | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | 375 | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | 376 | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | 362 | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | 367 | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | 372 | 226-43-11 |

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63**

***"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.


Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 18 майдаги №138-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ARBITRIUM LIBERUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Абдурахманов Шухрат Абдусаматовичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 июнда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 20 майдаги №141-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ADVOKAT ALIJON ABILOV" адвокатлик бюроси адвокати Абылов Алий Жалғасбаевич адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланганлиги сабабли адвокатлик мақоми амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 13[1]-моддасига биноан тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 20 майдаги №142-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар "UCHTEPA ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Рузиева Дилфуза Розыевнага Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 1 июнда берилган TN 000121 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 20 майдаги 47-ум-сонли буйруғи билан Навоий шаҳар "MASLAHATCHI-NAVOIY" адвокатлик бюроси адвокати Ориф Норович Кандахоровга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 17 майда берилган NV №000065-рақамли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 23 майдаги №144-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "FOMIDA-XOLMURATOV" адвокатлик фирмаси адвокати Рахимов Латип Вапаевичга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 15 июлда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари

**Турсунбой МАМАТҚУЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти жамоаси департамент директори ўринбосари — Судларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш бошқармаси бошлиғи

**Турсунбой МАМАТҚУЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти жамоаси нашриёт муҳаррири Абдумажид Аҳмедовга падари бузруквори

**Умар ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси филология фанлари номзоди, публицист Маҳмуд Сатторовга акаси

**Ваҳоб САТТОРОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

**Индекс: 646882**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-2009. **Тиражи — 20346**. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 — тижорат мақола. t



**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 233-95-31,**
**Факс: 233-84-50**
e-mail: info@press-iq.uz



*Сотувда эркин нархда*

1 2 3 4 5